
Эътибор бу-куч демакдир



Биз ёшларга қарата кўрсатилаётган эътибор эса, ана шундай кучлар манбаи сари етакловчи восита. Мен ҳам ана шу эътиборлар туфайли бугун Фарғона вилояти Фарғона шаҳрида янги очилган Корея Халқаро Университетининг Архитектура муҳандислиги йўналиши талабасиман. Албатта, ўз меҳнатим ва фаъолигим учун давлат гранти асосида таълим олмоқдаман. Бу йўлда ташаббус қилган, имкон берган, ишонч билдирган вилоятимиз ҳокими Шуҳратжон Мадаминович Ғаниевга, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вилоят Кенгашига ва Корея Халқаро Университетига чин дилдан раҳмат айтаман ва албатта, чексиз миннатдорман. Келажакда эса, умид қилинганидек инсон бўлиб, Ўзбекистон учун хизмат қиламан.

Хизматларим ҳеч қачон иддаоли бўлмайди. Ҳалол ва ҳақиқий ишлашга интиламан. Бу интилишлар эса, юксак келажак сари ундайди. Албатта, интилишларим туфайли ҳам, шу кунга қадар 60 га яқин ютуқларга эришдим. Сурхондарё, Тошкент шаҳрида ва вилоятларда ўтказилган Республика танловларида ғолиблар сафидан ўрин олдим. Бу йил менинг жамоам “Энг намунали сардорлар кенгаши” танловининг Республика босқичида ғолиблар қаторидан жой олди. Бу эса, меҳнатлар маҳсулидир. Умримнинг охиригача она Фарғонамнинг, ота Сўхимнинг шаънини елкаларимда кўтариб, халқ маънавияти учун хизмат қиламан.

Жавоҳир Сирочиддинов

Корея Халқаро Университети талабаси

Манба: <http://kishvar.uz>
2019-10-13 02:12:53